Аденоид вегетацияси бўлган болаларни жарроҳлик даволаш ҳозирги кунда замонавий оториноларингологиянинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот мақсади бўлиб Орол бўйи минтақасида яшовчи болаларда турли жарроҳлик усулларида кейинги жароҳат битишини цитологик текшириш натижаларини баҳолаш ҳисобланади. Тадқиқот материаллини аденоид вегетацияси ташхиси қўйилган 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган 110 нафар болалар ташкил қилди. Шарҳ шуни кўрсатдики, аденоид вегетацияси бўлган болаларни даволашда эндоскоп назорати остида шейвер ёрдамида ўтказилган аденотомия ҳамда қайтмас электропорация

ёрдамида бажарилган аденомотомия амалиётлари юқори самарадорликка эга.

Калит сўзлар: Орол бўйи минтақаси, аденоид вегетацияси, даволаш, шейвер аденомотомия, қайтмас электропорация.

ХАСАНОВ Улугбек Саидакрамович
Доктор медицинских наук, профессор
ХУДОЙБЕРГАНОВ Умидбек Рузиевич
Самостоятельный соискатель

Ташкентский государственный медицинский университет, Узбекистан

ОЦЕНКА ЦИТОЛОГИЧЕСКОГО СТАТУСА ПОСЛЕ РАЗЛИЧНЫХ СПОСОБОВ ЛЕЧЕНИЯ АДЕНОИДНЫХ ВЕГЕТАЦИЙ

АННОТАЦИЯ

Хирургическое лечение детей с аденоидными вегетациями в настоящее время является одной из наиболее актуальных тем современной оториноларингологии. Целью исследования является оценка результатов цитологического исследования заживления ран после различных хирургических методов у детей, проживающих в Приаралье. Материалом исследования послужили 110 детей в возрасте от 3 до 14 лет с диагнозом «аденоидные вегетации». Обзор показал, что в лечении детей с аденоидными вегетациями высокоэффективны аденомотомия, проводимая с помощью шейвера под эндоскопическим контролем, и аденомотомия, проводимая с помощью необратимой электропорации.

Ключевые слова: Приаральский регион, аденоидные вегетации, лечение, шейверная аденомотомия, необратимая электропорация.

Долзарблиги. Тиббий ҳисоботлар ва ижтимоий-гигиена тадқиқотлари таҳлили гувоҳлик беришича, Орол бўйи минтақасида иқлим шароитларининг кескин ўзгаришлари, баҳорнинг барвақт ва совуқ келиши, иссиқ ва қурғоқ ёз, барвақт келадиган ва совуқ қиш оқибатида ушбу минтақада яшовчи аҳоли ўртасида юқори нафас йўли касалликлари билан касалланиш ортиб борапти [1,5,12,16,19,24]. Маълумки, рецидивланувчи инфекциялар лимфоид тўқималарда иммун жавобни қўзғатувчи механизм ҳисобланади, шу жумладан аденоид тўқимасида ҳам. Такрорий нафас йўллари инфекцияси ва маҳаллий иммунитет реакциялари аденоид тўқимасининг яллиғланиши ҳамда аденоид вегетациясига сабаб бўладиган асосий омиллардан ҳисобланади [2,10,15,20,23].

Аденоид вегетацияси аксарият ҳолларда клиник белгиларсиз кечади ва даволанишни талаб қилмаслиги мумкин. Бурун орқали нафас олишнинг қийинлашиши, такрорий юқори нафас йўллари ўткир яллиғланишлари каби клиник ҳолатларда даволанади ва даволаш аденоид вегетациясининг асосий сабабини бартараф этишга қаратилади [3,4,8,13,17,21,22]. Бактериал инфекциялар одатда қўзғатувчи турига қараб маълум бир антибиотик курси билан даволанади. Аллергик фон билан кечаётган аденоид вегетациясида интраназал кортикостероидлар, орал стероидлар ёки орал антигистаминлар билан даволаш мумкин [4,7,11,18,21]. Шу билан бирга, кислотали рефлюксни даволаш асосан турмуш тарзи ва диетани ўзгартиришга, шунингдек антацидлар ёки ошқозон кислотасини камайтирувчи дориларни қўллашга қаратилади. Юқори нафас йўли доимий обструкцияси, такрорий ўткир инфекцияларида ва ўткир экссудатив ўрта отит қайталаниши каби ҳолатларда аденоидларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш талаб қилинади [3,7,10,18,20].

Жарроҳликнинг хавф омиллари ва кейинги самарадорлиги муаммоси биргаликда аденоид вегетациясини комплекс даволаш чуқур клиник ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини исботлайди [2,16,18].

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб, Орол бўйи минтақасидаги болаларда аденоид вегетацияси каминвазив даволаш усулини танлаш муаммоси долзарб ҳисобланади, шу сабабли ушбу касалликни даволаш усулларины такомиллаштириш устида чуқур илмий изланишларни тақозо қилади.

Тадқиқот мақсади бўлиб Оролбўйи минтақасида аденоид вегетациясини ташхислаш усуллари натижаларини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқотга Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Surgeland” хусусий клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказида аденоид вегетацияси ташхиси қўйилган 110 нафар 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар тадқиқотга жалб қилинди. Назорат гуруҳини 20 нафар амалий соғлом болалар ташкил қилди.

Барча болалар даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш мақсадида уч гуруҳга ажратилди:

1 гуруҳни 40 нафар аденоид вегетацияси бўлган бемор болалар ташкил қилди, уларга анъавий жарроҳлик даволаш чоралари ўтказилди.

2 гуруҳни 50 нафар аденоид вегетацияси бўлган бемор болалар ташкил қилди, уларга эндоскопик техника ва шервер ёрдамида аденотомия амалиёти ўтказилди.

3 гуруҳни 20 нафар аденоид вегетацияси бўлган бемор болалар ташкил қилди, уларга Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказида Қайтмас электропорация ёрдамида аденотомия амалиёти ўтказилди.

Уччала гуруҳ беморлари клиник-лаборатор, эндоскопик, 3D рентген ёки мултиспирал компьютер томографияси текшируви, морфологик текширувни ўз ичига олган комплекс текширувга жалб қилинди. Барча гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги болаларни тадқиқот ва изланиш жараёнлари 2021 йилдан 2024 йилгача амалга оширилди.

Барча беморларда шикоятлар ва анамнез йиғиш, ЛОР-аъзоларини объектив кўрик, бурун, бурун-ҳалқум бўшлиғини эндоскопик текшируви, МСКТ текшируви каби клиник ва инструментал текширувлар ўтказилди.


Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2019 дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик қайта ишланди, жумладан ўрнатилган статистик қайта ишлаш функцияларидан фойдаланилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметикасини (M), ўртача квадратик оғишни (σ), ўртача стандарт хатони (m), нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблашда вариацион кўрсаткич ва нокўрсаткич статистика усулларида фойдаланилди, ўртача қийматларни таққослашда олинган натижаларнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг (t) мезонлари бўйича меъёрий тақсимотни (эксцесс мезонлари бўйича) ва умумий дисперсиялар тенглигини текширишда (F - Fisher тести) хато эҳтимоли (P) ни ҳисоблаш билан аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик жиҳатдан муҳим деб қабул қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокамаси. Бурунхалқум шиллиқ қавати секретари таркибини барча ўрганилган беморларни уч гуруҳга ажратиб, қилинган турли жарроҳлик амалиётларидан кейин динамикада 5,10,15,30-кун мобайнида цитологик суртмалар олиниб ўрганилди. Ушбу ўрганилган цитограмма орқали, постоперацион ҳолат ва яраларнинг морфодинамик репарацияси ҳақидаги тушунчаларни биз томонимиздан қўлланилган усуллари асослаш учун таҳлил қилинди (1-расм).

1-гуруҳдаги беморларда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти эндоскоп назорати остида 10-кунда бурунхалқум шиллиқ қаватини цитологик таҳлилида жароҳат атрофида ривожланган репаратив регенерация цитологик нуктаи назардан апоптозга учраб десквамацияланган эпителий ва гуморал иммун тизимининг маҳаллий компонентлари бўлган макрофаглар, лимфоцитлар ва нейтрофилларнинг ҳар хил даражадаги вариабел аралашмасининг таркибига қараб даволаш тактикасини тўғри амалга оширилганлиги ва жарроҳликдан кейинги реабилитация даврдаги шиллиқ қаватнинг цитологик манзараси ўзгарди. Жумладан, атрофида макрофагал ва лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари ва суртмаларда аксарият моноклеар экссудат аниқланади.

Тадқиқот ишимизнинг 1-гуруҳидаги беморлар 5-кунда бурунхалқум бўшлиғидан олинган суртма таркибида аксарият шилимшиқли ва деструктив ўзгарган без эпителийлари фрагментари, вакуол кўринишдаги оксил тузилмалари аниқланди.

1-гурӯҳ беморлар жарроҳлик амалиётидан кейин беморларда олинган бурунхалқум шиллиқ қавати цитологик текширилганида, аксарият тромбопластинларнинг агрегацияланган тузилмалари, эритроцитлар, нейтрофиллар ва кам сонли эозинофиллар аниқланади. Аксарият ҳар хил яллиғланишли шиллиқ қавати жарроҳлик ўтказилган беморлар бурунхалқум суртмаларида цитограммада 400X катталиқдаги кўриш майдонида аксарият фон тариқасида тромбопластинларнинг агрегацияланган таначалари, ипсимон шаклланган фибринли оксил траекториясида нейтрофилларнинг тўплами, нейтрофиллар цитоплазмасида фаол грануларларнинг хали сақланиб турганлиги, фаол фагоцитоз ўчоқлари ва макрофагларнинг эса тромбопластлар атрофида базофил цитоплазмага бой бўлган фагоцитар фаол морфодинамик кўрсаткичларга эга бўлган тузилмалари аниқланади. Эритроцитлар суртмада сақланган. Мембранаси бутун, деструкцияга учрамаган бу эса, постоперацион яра атрофида капилляр қон кетиш ўчоқлари хали сақланиб турганлигини билдиради. Аксарият эритроцитлар атрофида тромбопластинлар адгезияси аниқланади.



1-расм. Аденоид вегетацияси бўлган беморларни турли жарроҳлик усулида даволашдан кейин цитологик текширув натижалари

Жарроҳлик амалиёти кейин 5-кунда цитологик текширувларда ҳам яллиғланиш инфильтратларининг сақланиши, гиперсекретор эпителий хужайраларининг яқка учраши, грануляцияга учраган ва гомоген кўринишга келган семиз хужайралар ва эозинофилларнинг таначаларининг учраши аниқланади. Бу жараён ҳам, жарроҳликдан кейинги яра сатҳи шиллиқ қаватларидаги репаратив регенерация жараёнларини давом этаётганлиги ва шу соҳаларда яллиғланиш хужайралари бўлаган таёкча ядроли нейтрофилларнинг давомли тўпланиши иккиламчи алтерация жараёнини давом этаётганлигини англатади. Аксарият, кўриш майдони 400X катталигида 3- гуруҳ цитологик суртмаларининг 5- кунсидаги цитограмма 1- гуруҳдаги 5 кунда олинган цитограммадан 25-30% га қониқарли бўлиб, хужайравий таркибини нисбатан камайганлигини ва даволаш самарадорлигини цитологик жиҳатдан исботлайди.

Демак, 5,10,15-кунларда кескин фарқли ўзгаришлар кузатилмади ва жараёнинг кечиши бўйича 5-10 кунларда ўртача ўзгаришлар цитограммада 400X катталиқдаги кўриш майдонини $58,69 \pm 10,2\%$ ни хужайравий тузилмалар ташкил этиб, шулардан нейтрофиллар $22,6 \pm 1,7\%$ ни, эозинофиллар $16,6 \pm 2,7\%$ ни, эритроцитлар $2,2 \pm 0,5\%$ ни, фаол макрофаглар $4,7 \pm 1,1\%$ ни, десквамацияга учраган эпителийлар $2,87 \pm 1,3\%$ ни, $9,72 \pm 0,5\%$ ни эса тромбопластинлар ташкил этиши аниқланади.

15-кунда ўзгаришлар 5,10,15 кунларга нисбатан фарқли ўлароқ қуйидагича ўзгаришлар билан намоён бўлди. Жумладан, бурунхалқум шиллиқ қаватидан олинган суртма таркиби цитологик жиҳатдан аксарият хужайраларнинг нисбий камайганлиги, 400X катталиқда юзасининг $38,02 \pm 5,1\%$ ни ташкил этиб, нейтрофиллар, макрофаглар, метабластик ўзгарган

гипосекретор десквамацияланган эпителиар тромбопластинлар хисобига тўғри келади. 15-кунда цитограммада метапластик ўзгарган эпителий хужайраларининг кам сонли бўлиши $1,22 \pm 0,5\%$ ни ташкил этиши, фаол нейтрофилларнинг $13,1 \pm 0,7\%$ ни ташкил этиши, фаол макрофагларнинг $1,9 \pm 0,6\%$ ни ташкил этиши, тромбопластинларнинг эгаллаган юзаси $4,72 \pm 0,5\%$ ни ташкил этиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар 1-гурухнинг 15-кунида бурунхалқум шиллиқ қаватларида репаратив регенерация жараёнини давом этаётганлиги ва яралар ўрни қайта тикланиб, апоптоз ва некроз ўчоқларининг камайганлиги хужайраларни сон жиҳатдан камайганлигини билдиради.

1-жадвал

Цитологик текширув натижалари

1 гуруҳ

Белгилар	Макро- фаглар	Эпителий хужайраларида дегенератив- деструктив белгилар	Ясси хужайра элемент- лари метапла- зияси	Фибро- бластлар	Сегментли нейро- филлар	Лимфо- цитлар
5-кун	+	++	++	+	+++	+
10-кун	+	+	-	+	++	+
15 -кун	+	-	-	+	-	+

2 гуруҳ

Белгилар	Макро- фаглар	Эпителий хужайраларида дегенератив- деструктив белгилар	Ясси хужайра элемент- лари метапла- зияси	Фибро- бластлар	Сегментли нейро- филлар	Лимфо- цитлар
5-кун	+++	+	-	-	++	+
10-кун	++	-	-	+	+	+
15 -кун	+	-	-	+	-	+

3 гуруҳ

Белгилар	Макро- фаглар	Эпителий хужайраларида дегенератив- деструктив белгилар	Ясси хужайра элемент- лари метапла- зияси	Фибро- бластлар	Сегментли нейро- филлар	Лимфо- цитлар
5-кун	+++	+	-	++	+	++
10-кун	++	-	-	+	-	+
15 -кун	+	-	-	+	-	+

Бу эса ўз навбатида, шиллиқ қавати юзасида кўчиб ўтиши даражасини камайганлиги, фаол нейтрофилларнинг фагоцитозлаш жиҳатларининг кескин ривожланганлиги ва нейтрофилларнинг фаол гранулалар тутувчи турларини хали сақланиб турганлигини билдиради. Аксарият 400X катталиқдаги кўриш майдони фонида майда зррача кўринишдаги тромбопластинларнинг агрегацияга учраган тузилмаларини хали хануз сақланиб турганлиги коллаген асосли гемостатик коллаген шимгичнинг тромбоцитоген омилини кучайганиги билан тушунтирилади. Цитограммада 400X катталиқдаги кўриш майдонини $58,69 \pm 10,2\%$ ни хужайравий тузилмалар ташкил этиб, шулардан нейтрофиллар $22,6 \pm 1,7\%$ ни, эозинофиллар $16,6 \pm 2,7\%$ ни, эритроцитлар $2,2 \pm 0,5\%$ ни, фаол макрофаглар $4,7 \pm 1,1\%$ ни, десквамацияга учраган эпителийлар $2,87 \pm 1,3\%$ ни, $9,72 \pm 0,5\%$ ни эса тромбопластинлар ташкил этиши аниқланади.

2-гуруҳда беморлар бурунхалқумда жарроҳлик амалиётидан кейинги 5-кунда цитологик суртма олинди. Цитологик суртмаларда жарроҳлик майдон соҳаси шиллик қавати цитологик манзарасида хужайралар жуда кам, гиперцеллюлярлик манзара жуда суст шаклланганлиги аниқланади. Жумладан, цитологик суртмаларда нейтрофилларнинг кам сонли тўплами, эозинофил таначалари 400X кўриш майдонида 1-2 та эканлиги аниқланади.

Шу эозинофиллардан 400х кўриш майдонида 1-3та дегрануляцияланган, деструкцияланганлиги аниқланади. Нейтрофиллар цитоплазмаси грануляр кўринишда бўлиб, фаол фагоцитоз ўчоқлари камлиги, макрофагларнинг кам сонли киритмаларга бой бўлган цитоплазма тутувчи хужайралари ҳам аниқланади. Цитограммада 400X катталикидаги кўриш майдонининг қарийб $28,7 \pm 1,7\%$ ни хужайравий тузилмалар ташкил этиб, шулардан фаол нейтрофилларнинг эгаллаган юзаси 5-10 кунсида ўртача $9,2 \pm 0,3\%$ ни ташкил этади. Бу эса, репаратив регенерация жараёнида фаол фагоцитоз давом этаётганлигини англатади. Макрофаглар ҳам пропорционал равишда сон жиҳатдан камайиб, $1,4 \pm 0,4\%$ ни ташкил этади. Бу умумий фондаги хужайраларнинг сон жиҳатдан камайиши, яллиғланиш хужайраларининг 5- кунсида сақланиб турганлиги, соҳада шиллик қаватда апоптоз ва некрозга учраган, десквамацияга учраган эпителий хужайраларини фаол элиминацияга учраётганини билдиради.

Суртмада эритроцитлар якка ёки учрамайди. Тромбопластинларнинг агрегацияланган ўчоқлари фокусда аниқланади. Шилимшиқ ва метаплазияга учраган эпителийлар кўриш майдонида ягона учрайди.

Нейтрофилларнинг қатор бўлиб жайлашгани, кўчган хужайралар атрофида морфодинамик жиҳатдан фаол фагоцитоз жараёни кечайтганлигини англатади.

Шиллик қавати эпителийларида метаплазияга учраган хужайраларни жуда кам (1-2 дона) учраши, мосланиш ва ўрин алмашилиш механизми бўйича, метаплазиянинг нормоплазияга ўтганлиги ва гиперсекретор хужайраларнинг учрамаганлиги билан тушунтиралади.

15-кунда ушбу беморлардан қайта олинган цитологик суртмаларда аксарият хужайравий манзаранинг кескин камайганлиги суртма кичик ўлчамда фонда ягона хужайраларнинг учраши аниқланади. Цитограммада кўриш майдонини 400X катталигида хужайраларнинг эгаллаган майдони $11,02 \pm 1,2\%$ ни ташкил этиб, шулардан фаол нейтрофилларнинг эгаллаган юзаси 11 кунга $3,01 \pm 0,3\%$ ни ташкил этади.

Макрофаглар ҳам пропорционал равишда сон жиҳатдан камайиб, $0,7 \pm 0,3\%$ ни ташкил этади. Метаплазияга учраган ёки гиперсекретор эпителий хужайраларининг десквамацияга учрагани $1,2 \pm 0,3\%$ ни ташкил этди. Шилимшиқ $0,7 \pm 0,3\%$ ни ташкил этади. Эозинофиллар $2,1 \pm 0,3\%$ ни ташкил этади. Деструкцияга учраган хужайра компонентлари ва толасимон оксил тузилмалари эса, $3,31 \pm 0,3\%$ ни ташкил этиб, клиник морфологик жиҳатдан даволаш самарадорлиги юқори кўрсаткичга эришилганини билдиради.

Демак, 3- гуруҳдаги беморлар бурунхалқум шиллик қаватнинг кам таъсирлангани, хужайраларнинг жавоб реакцияси кам сонли юзага келганлиги, операцион яра соҳаси шиллик қавати юзаларида қон кетиш ўчоқларининг цитологик суртмаларда эритроцитларнинг аниқланмаслиги билан характерланади. 9-кунда фаол деструкцияланган нейтрофил ва макрофагаларнинг кескин камайганлиги, суртма таркибида гиперсекретор эпителий хужайраларининг якка учраши, шилимшиқли тузилмаларнинг суртмада кама аниқланиши, репарация жараёни юқори даражада ривожланганлигини англатади. Толасимон оксил тузилмаларининг суртмаларда 5-10 ва 15-кунсида деярлик учрамаганлиги томирлар ўтказувчанлигини кескин кмайганлиги ва фибриноген шиллик қават юзасида фибрин қарашлар ҳосил қилмаганлигини исботлайди.

Хулоса, 2-гуруҳда беморларда амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан кейинги бурунхалқум шиллик қаватига кучли таъсир этмаганлиги, 5,10,15 кунларда беморлар бурунхалқум шиллик қаватидан олинган цитологик суртмаларда, шиллик қават компонентлари бўлган маҳаллий гуморал иммун тизими хужайраларининг кам сонли учраши, нейтрофил, эозинофил, макрофаглар ва бошқа компонентлар 5,10,15 кунда кўриш майдонини 4/1 қисмини ташкил этиши, 15-кунда эса бу кўрсаткич цитограммада $28,7 \pm 1,7\%$ дан

11,02±1,2% гача камайганлиги репаратив регенерация жараёнини ривожланганлиги ижобий самара берганлигини асослайди.

3-гурухда жарроҳлик амлиётидан кейинги даврлар бўйича бурунхалқум бўшлиғидан суртмалар олинган ва цитоморфологик текширувларда қуйидагилар аниқланди. 5,7,9,11-кунларда беморлар бурунхалқум шиллиқ қаватлари суртмалари текширилди. Цитологик суртмаларда жарроҳлик майдон соҳаси шиллиқ қавати цитологик манзарасида хужайралар 5-кунда кам даражада бўлиши, асосан плазмоцитларнинг бўлиши, гиперцеллюлярлик манзараси сусти шаклланганлиги аниқланди. Цитологик суртмаларда нейтрофилларнинг кескин камайиши, 400X кўриш майдонида нейтрофиллар 3-5 тани ташкил этганлиги аниқланади.

Нейтрофиллар цитоплазмаси гранулярлиги кам бўлиб, фаол фагоцитоз ўчоқлари камлиги, макрофагларнинг сон жиҳатдан кўплиги, киритмаларга бой макрофаглар ҳам аниқланади. Цитограммада 400X катталикидаги кўриш майдонининг қарийб 22,4±1,01%ни хужайравий тузилмалар ташкил этиб, шулардан фаол нейтрофилларнинг эгаллаган юзаси 5 кунга 8,8±0,21% ни ташкил этади. Суртмада эритроцитлар яқка учрайди. Тромбопластинларнинг агрегацияланган ўчоқлари фокусдагина аниқланади. Шилимшиқ ва метаплазияга учраган эпителийлар кўриш майдонида ягона учрайди.

Шиллиқ қавати эпителийларида метаплазияга учраган хужайраларни жуда кам (1-2дона) учраши, мосланиш ва ўрин алмашилиш механизми бўйича, метаплазиянинг нормоплазияга ўтганлиги ва гиперсекретор хужайраларнинг учрамаганлиги билан тушунтирилади.

15-кунда ушбу беморлардан қайта олинган цитологик суртмаларда аксарият хужайравий манзаранинг кескин камайганлиги суртма кичик ўлчамда фонда ягона хужайраларнинг учраши аниқланади. Цитограммада кўриш майдонини 400X катталикида хужайраларнинг эгаллаган майдони 9,02±0,01%ни ташкил этиб, шулардан фаол нейтрофилларнинг эгаллаган юзаси 11 кунга 1,71±0,01% ни ташкил этади. Макрофаглар ҳам пропорционал равишда сон жиҳатдан камайиб, 0,4±0,1%ни ташкил этади. Метаплазияга учраган ёки гиперсекретор эпителий хужайраларининг десквамацияга учрагани 0,7±0,1%ни ташкил этди. Шилимшиқ 0,4±0,2%ни ташкил этади. Эозинофиллар 1,7±0,1%ни ташкил этади. Деструкцияга учраган хужайра компонентлари ва толасимон оксил тузилмалари эса, 2,01±0,1%ни ташкил этиб, клиник морфологик жиҳатдан даволаш самарадорлиги жуда юқори кўрсаткичга эришилганини билдиради.

Демак, 3-гурухдаги беморлар бурунхалқумдаги жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда даволаш жараёнида шиллиқ қаватнинг энг кам таъсирлангани, хужайраларнинг жавоб реакциясини кескин камайганлиги, жарроҳлик соҳаси шиллиқ қавати юзаларидан олинган цитологик суртмаларида 5-10-кундан бошлаб эритроцитларнинг аниқланмаслиги билан характерланди. Шу билан бирга фаол ва деструкцияланган нейтрофил ва макрофагларнинг кескин камайганлиги, суртма таркибида гиперсекретор эпителий хужайраларининг яқка учраши, шилимшиқли тузилмаларнинг суртмада кам аниқланиши, репарация жараёни юқори даражада ривожланганлиги аниқланади. Толасимон оксил тузилмаларининг суртмаларда 5-9 кунларда жуда кам аниқланганлиги ва 15 кунда умуман учрамаганлиги томирлар ўтказувчанлигини кескин камайганлиги ва шиллиқ қават юзасида репаратив регенерация жараёни тўлиқ амалга ошганлигини исботлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, 3-гурухда беморларда амалга оширилган жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморнинг шиллиқ қаватнинг эркин ўтказувчанлиги ва таъсирланишни олдини олиш натижаларига кўра, бурунхалқум шиллиқ қават компонентлари бўлган маҳаллий гуморал иммун тизими хужайраларининг 5-10 кунларда камайганлиги айниқса, 15 кунда, кескин камайганлиги, нейтрофил, макрофаглар ва бошқа компонентлар 5-10 кунларда 400х кўриш майдони 4/1 қисмини ташкил этиши, 15 кунда эса бу кўрсаткич цитограммада 20,01±1,01% дан 6,02±0,8% гача камайганлиги репаратив регенерация жараёнини тўлиқ амалга ошганлиги, бурунхалқум шиллиқ қаватида эпителий қопламасининг кам миқдорда десквамацияга учраганлигини ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги шиллиқ қават юзасида шаклланиши керак бўлган яллиғланиш экссудатининг кескин

камайганлиги ва 15-кунда аниқланмаганлиги билан характерланади.

Цитологик тасвирлар орқали бурунхалқум шиллиқ қаватнинг ҳар хил генезли ривожланишига қараб, сурункали яллиғланиш оқибатида ривожланган гипертрофик ринитларда лимфоцитлар ва гиперсекретор хужайраларининг кўплиги жараёнда серозли шиллиқ экссудатнинг ажралиши ва жарроҳлик майдонида шишларнинг ривожланиши билан давом этиб, эпителий хужайраларининг кўчиб тушган ўчоқлари шаклан кичик, гипосекретор, хужайралараро бўшлиқларда серозли шилимшиқ тузилмаларнинг кўплиги билан характерланади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, аденоид вегетацияси бўлган болаларни даволашда эндоскоп назорати остида шейвер ёрдамида ўтказилган аденотомия ҳамда қайтмас электропорация ёрдамида бажарилган аденотомия амалиётлари юқори самарадорликка эга.

REFERENCES| ЧОККИ | IQTIBOSLAR:

1. Abdullaeva R. R., Ashurov A. M. Features of the adenotomy operation in the Republic of Karakalpakstan // New day in medicine. - 2020. - No. 4. - P. 56-59. (in Russ)
2. Gavrilik O. S., Kuttyeva A. S. On the issue of adenoid relapses // Youth, science, medicine. - 2021. - P. 60-60. (in Russ)
3. Kulmakova M. A., Radtsig E. Yu., Polunin M. M. The problem of relapses of the growth of lymphoid structures of the pharynx in children (literature review) // Pediatrics. Consilium Medicum. - 2022. - No. 4. - P. 332-335. (in Russ)
4. Markov GI et al. Prevention and conservative treatment of hypertrophy of the nasopharyngeal tonsil // Russian Otolaryngology. - 2021. - Vol. 20. - No. 1 (110). - P. 56-60. (in Russ)
5. Minnakhmetova DR et al. The relationship between transverse dentoalveolar anomalies and adenoid hypertrophy in childhood // Pediatric Dentistry and Prevention. - 2025. - Vol. 23. - No. 3. (in Russ)
6. Obaid KH et al. Sleep quality in children with adenoid hypertrophy // International Research Journal. - 2024. - No. 9 (147). - P. 58. (in Russ)
7. Skroderis A. A. Adenotomy and immune function of the pharyngeal tonsil // Current issues in otolaryngology. - 2020. - P. 57-60. (in Russ)
8. Usmanova N. A., Kurbonov M. Kh. U., Numanzhonov B. Sh. U. Evaluation of the effectiveness of endoscopic adenoidectomy // Re-health journal. - 2023. - No. 3 (19). - P. 65-69. (in Russ)
9. Khusanov Sh. R. Clinical and morphological characteristics and tactics of treatment of adenoids in frequently ill children // Economy and Society. - 2021. - No. 4-2 (83). - P. 676-680. (in Russ)
10. Ahmad Z. et al. Adenoid hypertrophy— diagnosis and treatment: the new S2k guideline //Hno. - 2023. - T. 71. - №. Suppl 1. - C. 67-72.
11. Alqutub A. et al. Effectiveness and Safety of Intranasal Corticosteroids for Adenoid Hypertrophy: A Systematic Review and Meta-Analysis //International Journal of Pediatric Otorhinolaryngology. - 2025. - C. 112450.
12. Belcher R., Virgin F. The role of the adenoids in pediatric chronic rhinosinusitis //Medical Sciences. - 2019. - T. 7. - №. 2. - C. 35.
13. Bitar M. A. et al. How frequent is adenoid obstruction? Impact on the diagnostic approach //Pediatrics International. - 2009. - T. 51. - №. 4. - C. 478-483.
14. Bulfamante A. M. et al. Adenoidal disease and chronic rhinosinusitis in children—is there a link? //Journal of clinical medicine. - 2019. - T. 8. - №. 10. - C. 1528.
15. Escarrá F., Vidaurreta S. M. Assessment of quality of life before and after an adenotonsillectomy among children with hypertrophic tonsils and/or adenoids //Arch Argent Pediatr. - 2015. - T. 113. - №. 1. - C. 21-27.
16. Ghafar M. H. A. et al. Mometasone furoate intranasal spray is effective in reducing symptoms and adenoid size in children and adolescents with adenoid hypertrophy //Acta Otorrinolaringologica Espanola. - 2020. - T. 71. - №. 3. - C. 147-153.

17. Khasanov U. S., Kamilov K. B. Выбор тактики диагностики аденоидов и аденоидитов //Eurasian Journal of Otorhinolaryngology-Head and Neck Surgery. – 2023. – Т. 2. – С. 24-29.
18. Lambert E. M. et al. Adenoidectomy and persistent velopharyngeal insufficiency: Considerations, risk factors, and treatment //International journal of pediatric otorhinolaryngology. – 2021. – Т. 149. – С. 110846.
19. Malas M. et al. Comparison of the efficacy and safety of conventional curettage adenoidectomy with those of other adenoidectomy surgical techniques: a systematic review and network meta-analysis //Journal of Otolaryngology-Head & Neck Surgery. – 2023. – Т. 52. – №. 1. – С. s40463-023-00634-9.
20. Niedzielski A. et al. Adenoid hypertrophy in children: a narrative review of pathogenesis and clinical relevance //BMJ paediatrics open. – 2023. – Т. 7. – №. 1. – С. e001710.
21. Randall D. A. Current indications for tonsillectomy and adenoidectomy //The Journal of the American Board of Family Medicine. – 2020. – Т. 33. – №. 6. – С. 1025-1030.
22. Saibene A. M. et al. Endoscopic adenoidectomy: a systematic analysis of outcomes and complications in 1006 patients //Acta Otorhinolaryngologica Italica. – 2020. – Т. 40. – №. 1. – С. 79.
23. Schneuer F. J. et al. Adenotonsillectomy and adenoidectomy in children: The impact of timing of surgery and post-operative outcomes //Journal of Paediatrics and Child Health. – 2022. – Т. 58. – №. 9. – С. 1608-1615.
24. Zwierz A. et al. Maximal medical treatment of adenoid hypertrophy: a prospective study of preschool children //European Archives of Oto-Rhino-Laryngology. – 2024. – Т. 281. – №. 5. – С. 2477-2487.

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000